

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.08/28.08.2020.San.121.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

Мелиқўзиев Иқбол Мамасодиқович

ЎЗБЕК БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРИДА КИНООПЕРАТОРЛИК
МАҲОРАТИ

17.00.03 – Кино санъати. Телевидение

САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мелиқўзиев Иқбол Мамасодиқович

Ўзбек бадий фильмларида кинооператорлик маҳорати.....3

Меликузиев Иқбол Мамасодиқович

Мастерство кинооператора в узбекских художественных фильмах.....23

Meliqo`ziyev Iqbol Mamasodiqovich

The skill of the cameraman in the Uzbek feature films.....44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....50

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.08/28.08.2020.San.121.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

Мелиқўзиев Иқбол Мамасодиқович

**ЎЗБЕК БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРИДА КИНООПЕРАТОРЛИК
МАҲОРАТИ**

17.00.03 – Кино санъати. Телевидение

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/San18 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.mrdi.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот таълим портали (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тожибоева Олтиной Қосимовна
санъатшунослик фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Тўлаҳўжаева Муҳаббат Туробовна
санъатшунослик фанлари доктори,
профессор

Копадзе Ойбек Вейсал ўғли
санъатшунослик фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Камолиддин Бехзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн
институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.08/28.08.2020.San.121.01 рақамли Илмий кенгашнинг бир марталик кенгаши 2022 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Яланғоч даҳаси, 127-(а) уй. Тел. : (99871) 230-28-15, 230-28-02; <http://www.dsmi.uz>; uzdsmi@madaniyat.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти кутубхонасида танишиш мумкин. (Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Яланғоч даҳаси, 127-(а) уй. Тел.: (99871) 230-28-32. e-mail: uzdsmi@madaniyat.uz.)

Диссертация автореферати 2022 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2022 йил “___” _____ даги № _____ - рақамли реестр баённомаси).

И. Ж. Юлдашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, фил.ф.д., проф.

Д.М.Мулладжанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, сан.ф.н., доц.

М.М.Юлдашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
фил.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон кинематографияси пайдо бўлганидан бошлаб, унинг ҳар бир босқичида техник-технологик янгиланиш жараёнлари бадиий-эстетик аҳамият касб этмоқда. Кинокамера воситасида оддий қайд этишдан санъат асари яратишгача бўлган ривожланиш йўли ўз навбатида бадиий кинонинг ифода тили ва воситалари, тасвирий ечимнинг бадиий-эстетик, ҳиссий-эмоционал таъсир қуввати ошиб бориш динамикасини акс эттирмоқда. Фильмлардаги тасвирий ечим ва визуал ифодавийлик даражаси кинооператорлик санъатида услуб ҳамда ижодий мактаблар хусусиятининг долзарб аҳамиятини кўрсатади.

Дунё киношунослигида кинооператорлик мактаблари шаклланиш тарихи, ривожланиши, бадиий анъаналари ва етакчи тамойилларини ўрганиш ва унинг турли қирраларини кашф этиш масалалари юзасидан кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, кинооператорлик мактабларининг бадиий хусусиятларини белгилаш, анъаналарнинг сақланиши, сюжет ва ғоянинг пластик ифодасини яратишдаги бадиий услублар, ифода тилидаги ўзига хослик, етакчи кинооператорлар маҳоратини тадқиқ этиш устувор аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда сўнгги йилларда миллий кинематографнинг жамият ҳаётидаги роли тобора кенгайиб бормоқда. Жаҳон киноиндустриясига дадил кириб боришда бадиий ва техник имкониятлар даражасини ошириш, мустаҳкамлаш, ривожлантириш ишлари жадаллашмоқда. “Мамлакатимизда кейинги пайтда барча соҳалар қатори кинематография тизими ривожига ҳам устувор аҳамият берилмоқда. Ижод эркинлиги, соғлом ижодий рақобат, хусусий мулк дахлсизлиги каби демократик тамойиллар ушбу соҳага ҳам дадил жорий этилмоқда. Киностудияларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, уларга имтиёз ва преференциялар бериш, юксак дидли томошабинларнинг талабларига жавоб берадиган бадиий етук картиналар яратиш, жамиятимизда кино санъатини кенг оммалаштириш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилмоқда”¹. Бу борада миллий кинематограф таянч асосини ташкил этувчи бадиий-эстетик, техник-технологик омилларни тадқиқ этиш ва бунда тасвир маҳорати шаклланиши ҳамда ривожланиш мезонларини илмий ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги ПФ-6000-сон «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 7 апрелдаги ПФ-6202-сон «Кино санъати ва саноатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳани

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ипак йўли дурдонаси” Тошкент халқаро кинофестивали иштирокчиларига йўлаган табригидан. //“Янги Ўзбекистон” газетаси, 28 сентябрь 2021 й.

давлат томонидан кўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 7 августдаги ПҚ-3176-сон «Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 7 апрелдаги ПҚ-5060-сон «Кинематография соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳа вакилларининг ижодий фаолияти учун муносиб шароит яратиш тўғрисида», 2021 йил 19 июндаги ПҚ-5151-сон «Тошкент халқаро кинофестивалини қайта тиклаш ва ўтказиш тўғрисида», 2021 йил 28 августдаги ПҚ-5238-сон Тошкент шаҳрида «С.А. Герасимов номидаги Бутунроссия давлат кинематография институти» федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 июндаги 499-сон «Ўзбекистон Республикасида кинотуризмни жадал ривожлантириш ва мамлакат кино жозибадорлигини кенг тарғиб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 19 августдаги 695-сон «Кинематография соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кино санъати тарихи ва назариясига доир тадқиқотлар олиб борган Америка ва Европа олимлари Жорж Садуль,¹ Бела Балаш², Андре Базен³ ҳамда рус олимлари ва кинооператорларидан Р.Ильин⁴, Е.Голдовский⁵, М.Голдовская⁶, В.Железняков⁷, А.Головня⁸ ишларида кино бадиий эстетикаси яратилишида кинооператор ва кинотехниканинг тутган ўрни, роли, тасвирий ечим яратиш маҳорати, етакчи ижодкорлар фаолияти каби қатор назарий-амалий

¹ Садуль Ж. История киноискусства. От его зарождения до наших дней. Пер. с фран. - М.: Иностранная литература, 1957. - С. 313; Его же. Всеобщая история кино (в 6-ти томах). - М.: Искусство, 1958-1963.

² Балаш Б. Кино: Становление и сущность нового искусства. Пер.с нем. - М.: Прогресс, 1968. - С.328.

³ Базен А. Что такое кино? Сборник статей. Пер. с франц. - М.: Искусство, 1972. - С.382.

⁴ Ильин Р. Мастерство оператора кино и телевидения. - М.: ВГИК, 1985. - С. 56.

⁵ Голдовский Е. Основы кинотехники. - М.: Искусство, 1965. - С.636.

⁶ Десять операторских биографий. Сб. ст. о А. Левицком, Э. Тиссэ, А. Головне, А. Москвине, Д. Демуцком, М. Магидсоне, Б. Волчке, А. Гальперине, Д. Косматове, С. Урусевском. / Сост. М. Голдовская. - М.: Искусство, 1978. - С.207.

⁷ Железняков В. Анатомия зрительного образа. -М.: Союз кинематографистов РФ. 2012. - С.114.

⁸ Головня А. Мастерство кинооператора. - М.: Искусство, 1995. - С. 255.

масалалар ўз аксини топган. Тасвирнинг кино бадий тилини бойитиш, фильм моҳиятини теран тадқиқ этишдаги аҳамияти; тасвирий ечимда ижодкор маҳорати ҳамда асарга муносабат акс этиши; кинооператорлар услубий ўзига хослигининг намоён бўлиши масалаларига эътибор қаратилган.

Ўзбек киношунослари Ж.Тешабоев¹, Ҳ.Акбаров², Х.Абулқосимова³, Н.Каримова⁴, О.Копадзе⁵, С.Хайтматова⁶ тадқиқотларида кино тарихи ва назарияси, тараққиёт йўли, режиссура, кинодраматургия ва экранлаштириш масалалари юзасидан илмий таҳлиллар амалга оширилган. Кинооператорлар М.Қаюмов⁷, А.Исмоилов⁸, Ҳ.Файзиёв⁹ларнинг илмий ва илмий оммабоп китобларида кадр композицияси, бадий тили, усул ва услубларнинг ўзига хослиги борасида фикр-мулоҳазалар мавжуд. Шу билан бирга ўзбек бадий киносида кинооператорлик санъати тарихи, ривожланиш босқичлари, ижодий мактабнинг хусусиятлари бир бутун, яхлит ҳолда, алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №А1-01 “Номоддий маданий мероснинг табиат ва коинотга оид билим ва урф-одатларини таълим тизимига тадбиқ этиш” мавзусидаги (2015-2017 йй.) ҳамда ЮНЕСКО ИЧКАП ташкилотининг “Ўзбекистон номоддий маданий меросини видеоҳужжатлаштириш” мавзусидаги (2015-2018 йй.) илмий лойиҳалар доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек бадий киносида кинооператорлик маҳоратининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари хусусиятини, ижодий мактабнинг ўзига хос жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кино санъати техник – технологик омилларга боғлиқ бўлган бадий ижод тури эканлигини илмий-назарий аспектда баҳолаш;

¹ Тешабоев Д. Узбекское кино: традиции, новаторство. -Ташкент: Литература искусство им. Г.Гуляма, 1979. - С. 184

² Акбаров Х. Зрелость. —Ташкент: Литература искусство им. Г.Гуляма, 1971. – С.253; Акбаров Х. Сехрли ёғду. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, 1977. – 176 б.; Акбаров Х. Адабиёт ва кино. -Тошкент: Фан, 1981. -173 б.; Акбаров Х. Кино ва телевидение: креатив таълим жараёни. – Тошкент: Musiqa. 2012. - 271 б.

³ Абул-Касимова Х. Рождение узбекского кино. –Ташкент: Фан, 1965. – С. 123 . Абулқосимова Х. Ҳ. Кино санъати асослари. -Тошкент: ЎЗМЭ, 2009.–100 б., Абулқасимова Х., Тешабоев Д., Мирзамухамедова М. Кино Узбекистана. – Ташкент: изд. им. Г.Гуляма, 1985. – С.288.

⁴ Каримова Н. Игровой кинематограф Узбекистана. Ташкент: San`at, 2016. - С.216.

⁵ Копадзе О. Турк киносининг ривожланиш йўллари.–Тошкент, 2005.-148 б.

⁶ Хайтматова С., Турсунметова Р. Киношунослик: Кино санъати таҳлили ва танқиди. -Тошкент: Инновация-Зиё, 2020. - 150 б.

⁷ Қаюмов М. Жизнь моя – кинематограф. – Ташкент: изд.Г.Гуляма, 1982. - С.286.

¹⁴ Исмаилов А. Кинооператорское мастерство. – Ташкент: УзДСМИ, 2004. – С.420.

⁹ Файзиёв Ҳ. Овозсиз кинематографдаги операторлик санъати тарихидан. – Тошкент: УзДСМИ, 2008. – 128 б.

Ўзбекистонга кинооператорлик соҳасининг кириб келиш тарихи, асослари, хусусиятини белгилаш ва ривожланиш йўлини аниқлаш;

Д.Демуцкий ва М.Краснянский каби соҳа усталарининг бадиий мактаб яратишдаги фаолиятини таҳлилий ўрганиш;

ўзбек бадиий кинооператорлик мактабида Ҳотам Файзиев, Абдурахим Исмоилов, Хамидулла Хасанов, Рифқат Иброҳимов каби ижодкорлар услубидаги етакчи жиҳатларни белгилаш, хусусиятларини очиқ бериш;

миллий кинооператорлик санъатининг тараққиёт босқичларини таснифлаш;

А.Ғаниев, У.Ҳамроев, Р.Муродов, А.Арзикулов каби ёш ижодкорлар ишидаги янги услубий тамойилларни ўрганиш ҳамда анъаналар давомийлиги ва ворисийлик истиқболлари юзасидан хулосалар ишлаб чиқиш;

республикада кинооператор кадрлар тайёрлашнинг ҳолати, хусусияти ва муаммоларини таҳлил қилиш асосида амалиётда қўллашга доир таклиф ва тавсиялар киритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек миллий кино санъати тарихида муҳим ўрин эгаллаган бадиий фильмлардаги кинооператорлик изланишлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистонда кинооператорлик маҳоратининг тарихий шаклланиши, ривожланиши, хусусияти, ижодий мактаб вужудга келиши, тараққиёт йўли, босқичлари, замонавий бадиий жараёндаги ворисийлик масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, мантиқийлик, тизимлилик, солиштирма-қиёсий таҳлил, назарий мушоҳада, мантиқий-экспериментал каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек бадиий киносида ўтган асрнинг 40-йилларида Даниил Демуцкий фильмлари (“Тоҳир ва Зухра”, “Насриддиннинг саргузаштлари”) билан кинооператорлик тасвир маданияти ва ижодий мактабга асос солинганлиги; миллий услубнинг пластик ифодаси ўлкамиз муҳити, иқлими, хусусиятидан келиб чиқиб, аниқ тасвирий драматургияга эга бўлган визуал образ ва тасвирий ечимда кадр постановкаси, ёруғлик экспонетридан фойдаланиш меъёрларини белгилаш ўзига хос характерда шаклланганлиги ҳамда томошабин идроки, тасвирий анъаналар ва экран образининг ўзаро алоқадорлиги ҳамда бадиий ифода элементлари корреляциясига асосланган визуал тасвирнинг доминант аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиш каби бадиий-эстетик мезонлари пайдо бўлгани исботланган;

миллий бадиий кинода тасвирий ечим яратиш, кинотасвир тилини бойитиш, кинооператорлик услублари ранг-баранглигига эришиш, ҳамда композиция, нур, соя, ранг, оптика, кадр формати, ракурс, мезансаҳна (мезанкадр), рамз, метафора воситаларидан бадиий яхлитлик йўлида фойдаланиш маҳорати турли ўлчамлар, форматлар, техник-технологик омиллар ҳамда ижтимоий-маданий муҳит таъсирида намоён бўлгани сабабли босқичли характер касб этганлиги далилланган;

кичик ҳажмдаги (22, 25, 35) объективда ва стедикам системаси мавжуд бўлмаган шароитда монументал ва рангтасвир (живопись)ли визуал образлар яратишга асос солган ўзбек кинооператорлик мактабининг мумтоз анъаналари ҳозирги рақамли технологиялар даврида турли миллатлар (ҳинд, корейс, турк) фильмларига тақлид қилиш ҳамда видеоклиплар, реклама роликларига хос қисқа, йирик планли монтаж, экспрессив ёритиш каби тасвирий усулларга йўл қўйиш ва бунинг натижасида замонавий жараёнларда кинокадр композицияси, бадиий ёритиш, ранглар ечими, метафорик тасвир мезонлари ўзгариб бораётгани сабабли устувор аҳамият касб этиши аниқланган;

замонавий кино ифода тили, тасвирий ечим яратиш концептлари, рақамли техника имкониятлари каби ижодий-технологик жиҳатлар ҳамда композиция ва тасвирий ечим яратиш, ёруғликни қўллаш каби бадиий анъаналардан фойдаланиш мезонлари миллий мактаб хусусиятларини сақлаб қолиш, унга ворисийликни шакллантириш каби янги давр тамойилларига боғлиқлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек бадиий фильмларини таҳлил қилиш асосида кинооператорлик маҳоратини шаклланиши ва ривожланиш йўлидаги бадиият мезонлари аниқланган;

Д.Демуцкий, М.Краснянский, Ҳ.Файзиев, А.Исмоилов шунингдек, А.Ғаниев, У.Ҳамроев, Р.Муродов каби турли авлодга мансуб кинооператорлар маҳоратини солиштирма-таҳлилий асосда кўриб чиқилиши натижасида миллий мактаб хусусиятларининг назарий асослари очиқ берилган;

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, санъат, маданият коллежларида миллий кинооператорлик мактаби хусусиятларини ўрганишда, шунингдек, “Бадиий кинода тасвирий ечим”, “Кинооператорлик маҳорати”, “Кино тарихи ва назарияси”, “Экран санъатларида бадиий танқид ва таҳлил” каби фанлардан ўқув қўлланма ва дарсликлар яратишда маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, киношуносликнинг илмий-методологик ёндошувлари қўлланилгани, ишлаб чиқилган таклифлар ва хулосаларнинг республика ҳамда халқаро миқёсидаги илмий конференцияларда апробациядан ўтганлиги, илмий натижаларнинг республика ва нуфузли хорижий журналларда чоп этилганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, архив материаллари ва кинооператорлар билан қилинган интервью-суҳбатлар каби бирламчи манбаларга асослангани, илмий-амалий хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакатимиз операторлик санъати тарихи, ижодий мактабининг ривожланиш босқичлари, анъаналар давомийлиги,

ворисийлик, янги тенденцияларнинг юзага келиш хусусиятлари концептуал асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кинооператорлик касбий маҳоратини мустаҳкамлаш, малакали кадрлар тайёрлаш, ўқув-услубий, ўқув қўлланмалар, дарсликлар яратиш, мутахассислик таълимига янги инновацион педагогик технологиялар олиб киришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Ўзбек бадиий фильмларида кинооператорлик маҳорати шаклланиши, ривожланиши, хусусиятларини очиб бериш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўзбек бадиий киносида ўтган асрнинг 40-йилларида Даниил Демуцкий фильмлари (“Тоҳир ва Зухра”, “Насриддиннинг саргузаштлари”) билан кинооператорлик тасвир маданияти ва ижодий мактабга асос солинганлиги; миллий услубнинг пластик ифодаси ўлкамиз муҳити, иқлими, хусусиятидан келиб чиқиб, аниқ тасвирий драматургияга эга бўлган визуал образ ва тасвирий ечимда кадр постановкаси, ёруғлик экспонометридан фойдаланиш меъёрларини белгилаш ўзига хос характерда шаклланганлиги ҳамда томошабин идроки, тасвирий анъаналар ва экран образининг ўзаро алоқадорлиги ҳамда бадиий ифода элементлари корреляциясига асосланган визуал тасвирнинг доминант аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиш каби бадиий-эстетик мезонлар исботлангани бўйича олинган натижалардан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тасарруфидаги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳамда санъат, маданият коллежларида таълим фаолиятини янада такомиллаштириш илмий-назарий малака талаблари, ўқув режалари, намунавий ўқув фан дастурлари, дарслик, ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 7 февралдаги 01-11-10-827-сон маълумотномаси). Натижада, ўзбек киносида операторлик маҳоратининг шаклланиш ва ривожланиш йўлларига қаратилган касбий таълим сифатини оширишга эришилган;

миллий бадиий кинода тасвирий ечим яратиш, кинотасвир тилини бойитиш, кинооператорлик услублари ранг-баранглигига эришиш, ҳамда композиция, нур, соя, ранг, оптика, кадр формати, ракурс, мезансахна (мезанкадр), рамз, метафора воситаларидан бадиий яхлитлик йўлида фойдаланиш маҳорати турли ўлчамлар, форматлар, техник-технологик омиллар ҳамда ижтимоий-маданий муҳит таъсирида намоён бўлгани сабабли босқичли характер касб этганлиги далиллангани билан боғлиқ натижалар замонавий ўзбек кинооператорлик санъати амалиётида катта аҳамият касб этиб, “Ўзбеккино” Миллий агентлигининг давлат ва нодавлат киностудиялари ижодий изланишларида қўлланилган (“Ўзбеккино” Миллий агентлигининг 2018 йил 31 январдаги 01-05/01-152-сон маълумотномаси). Натижада кинооператорлик таълимида назария ва амалиётни уйғунлаштириш имкониятлари кенгайтирилган;

кичик ҳажмдаги (22, 25, 35) объективда ва стедикам системаси мавжуд бўлмаган шароитда монументал ва рангтасвир (живопись)ли визуал образлар

яратишга асос солган ўзбек кинооператорлик мактабининг мумтоз анъаналари ҳозирги рақамли технологиялар даврида турли миллатлар (хинд, корейс, турк) фильмларига тақлид қилиш ҳамда видеоклиплар, реклама роликларига хос қисқа, йирик планли монтаж, экспрессив ёритиш каби тасвирий усулларга йўл қўйиш ва бунинг натижасида замонавий жараёнларда кинокадр композицияси, бадиий ёритиш, ранглар ечими, метафорик тасвир мезонлари ўзгариб бораётгани сабабли устувор аҳамият касб этиши аниқлангани бўйича олинган хулосалардан Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси Кинооператорлик гильдияси фаолиятини янада такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмасининг 2021 йил 18 январдаги №001-а-сон маълумотномаси). Натижада уюшманинг мутахассислик кафедраси билан ишлашдаги ҳамкорлик режалари доирасини кенгайтиришга эришилган;

замонавий кино ифода тили, тасвирий ечим яратиш концептлари, рақамли техника имкониятлари каби ижодий-технологик жиҳатлар ҳамда композиция ва тасвирий ечим яратиш, ёруғликни қўллаш каби бадиий анъаналардан фойдаланиш мезонлари миллий мактаб хусусиятларини сақлаб қолиш, унга ворисийликни шакллантириш каби янги давр тамойилларига боғлиқлиги далиллангани бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида “Кинотелеоператорлик маҳорати (бадиий фотография шаклланиш ва тараққиёт жараёнлари)” /Тошкент: Lesson press, 2017. - Б.276/ деб номланган дарслик нашр этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 июндаги 434-145-сон рухсатномаси). Натижада мутахассислик фанини ўқитиш бўйича ўзбек тилида яратилган дарслик таълим тизимига олиб кирилган;

миллий услубнинг пластик ифодаси ўлкамиз муҳити, иқлими, хусусиятидан келиб чиқиб, аниқ тасвирий драматургияга эга бўлган визуал образ ва тасвирий ечимда кадр постановкаси, ёруғлик экспонометридан фойдаланиш меъёрларини белгилашнинг ўзига хос характерда шаклланганлиги ҳамда томошабин идроки, тасвирий анъаналар ва экран образининг ўзаро алоқадорлиги ҳамда бадиий ифода элементлари корреляциясига асосланган визуал тасвирнинг доминант аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиш каби бадиий-эстетик мезонлар исботлангани бўйича қўлга киритилган илмий натижалардан ЮНЕСКО ИЧКАП ташкилотининг “2015–2018 йилларда Ўзбекистон номоддий маданий меросни видеоҳужжатлаштириш” Халқаро грант лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссиясининг 2018 йил 30 октябрдаги №257-18-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳани ўзбек бадиий киносида ижодий мактаб хусусиятлари борасидаги илмий манбалар ҳисобига бойитишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган. Шу жумладан, 1 та дарслик, ОАК

тасарруфидаги журналларда 7 та (шундан 1 та хорижий) илмий мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 141 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг замонавий санъатшунослик ривожига доғри долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг тузилиши ва апробацияси бўйича маълумотлар берилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби **“Кинооператорликнинг шаклланиш омиллари ва бадий эволюцияси”** деб номланган. Ушбу бобнинг биринчи бўлимида кинооператорлик ижодини тадқиқ этишдаги назарий-методологик жиҳатлар ўрганилиб, ўзбек кинематографияси тарихи ва тараққиёт йўлини тадқиқ этишда мамлакатимиз киношунослари томонидан олиб борилган изланишлар таҳлилий кўриб ўтилган. Айрим адабиётларда кинооператор иши ҳам бир қадар баҳолангани, бадий фильмлар таҳлилида тасвирий ечим борасида фикр-мулоҳазалар берилгани ҳолда мамлакатимиз кинооператорлик санъатининг тарихий шаклланиши ва ўзига хослиги мавзуси алоҳида олинган тадқиқот тарзида фундаментал таҳлилга тортилмагани кузатилади. Маълум бўлишича, кинооператорликнинг назарий манбалари ва хусусиятлари жаҳон киношунослигида тадқиқ қилинган. Бадий кинода операторнинг вазифаси, томошабинга ҳиссий-эмоционал таъсир кўрсатишдаги ўрни ва роли, ижодий услублар, тажрибалар, режиссёр ва кинооператорнинг тасвирий ечим яратишдаги ҳамкорлиги масалалари илмий-назарий тадқиқотларда ўз аксини топган. Америка киношуноси Жорж Садуль, анъанавий санъат турларидан фарқли ўлароқ, кино техника базасига боғлиқ бўлган саноат эканлигини таъкидлаб, ҳар қандай фильмни дунёга келиши нафақат ижодий, балки техник-технологик жараённи тақозо этишига алоҳида урғу беради. Ж.Садуль жаҳон киноси тарихини босқичли характерини кузатганида даврийлаштириш амалиётини техник-технологик жараён билан мувофиқликда белгилайди ва босиб ўтилган тарихий босқичларини олти даврга ажратади. Улар қуйидагилардир: *“Биринчи давр – кашфиётлар даври бўлиб, 1832 йилдан 1896 йилга қадар давом этади. Бу даврнинг хусусияти киноаппаратнинг кашф этилиши билан боғлиқ. Иккинчи давр (1895-1908) – кино саноатнинг ташкил топиши ва унга боғлиқ тарзда кино санъати асосларининг пайдо бўлиши. Учинчи давр (биринчи жаҳон уруши тугагунига қадар) – кинонинг санъат*

сифатида шаклланиб, унинг йирик саноат тизими мустаҳкамланиши. *Тўртинчи давр* – овозсиз кино даври. *Бешинчи давр* – овозли кино даври бошланиб, иккинчи жаҳон уруши бошларига қадар бўлган ораликни қамраб олади. *Олтинчи давр* – иккинчи жаҳон урушидан кейин то шу кунгача давом этади”¹. Кўриниб турибдики, ҳар бир босқич ижодий-технологик хусусият билан боғлиқликда кечиб, кинонинг бошқа санъат турларидан ажралиб турувчи спецификасини акс эттиради.

Тасвир - фильм услубининг асоси, таркибий қисмидир. Ҳар қандай фильмда услубни тўғри белгилаш бадиий яхлитликка эришиш мезони бўлиб, асарнинг таъсир кучи ва томошавийлигини таъминлашга замин яратади. Бунга кўра фильм тилининг ифода услуби нафақат назарий, балки бадиий амалиётининг ҳам бош масаласи саналади. Кинооператорлик тарихи - кинематографик тилнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиш тарихи ҳамдир. Ҳаракатланувчи суратларнинг ёруғликдаги проекциясини яратиш борасидаги кўплаб тажрибалар XIX аср охирларида бошланган бўлиб, Францияда Люмьер, Мельес, Патэ, Гомон, Америкада Эдисон, Англияда Уильям Поль томонидан кино саноатига асос солинди. Дастлаб асосан “Синематограф”, кейинчалик эса “Пате Студио” ҳамда “Дебри Парво” номланишидаги профессионал камераларда суратга олинди. “Агфа-геверт”, “Дюпон” сингари фирмаларда кино тасмалари ишлаб чиқиш йўлга қўйилди.

Биринчи бобнинг иккинчи бўлими “Ўзбекистонда кинооператорлик санъатининг дастлабки изланишлари” деб номланиб, унда XX аср бошларида Туркистон ўлкасига ҳаракатланувчи фотографиянинг кириб келиши ва маҳаллий аҳоли орасида “шайтон сурат”, “афсунгарлар қўяётган аттракцион”, “иллюзион” сифатида қарши олинисидан бошлаб, профессионал кинооператорлик сари қўйилган илк қадамлар ўрганилди. Кинематографик кадрнинг ўзига хослиги, уни тасвирий санъатдан ҳаракатланувчи бадиий образ яратиш жиҳатига кўра, фотографиядан эса композицион жонлилиги билан ажралиб туришидек етакчи жиҳатлари, кинокадр тушунчасининг оддийдан мураккабга томон ўсиб борганлиги, хусусиятлари ва воситалари кузатилди.

Мамлакатимиз ҳудудига кино яратиш технологияси ўтган асрнинг 20-йиллари охирларида кириб келди. Илк бадиий фильмлар ғоявий-сиёсий мақсадлар, тарғибот-ташвиқотчилик фаолиятига қаратилган бўлиб, уларнинг яратилишида сценарийчи ва режиссёрлар Д.Басалиго, М.Доронин, И.Чертел, О.Фрелих, Н. Кладолар билан бирга Ф.Вериге-Даровский, В.Добржанский, А.Дорн, С.Беляев каби операторлар фаолият олиб бордилар. Улар яратган дастлабки овозсиз фильмларда тасвирга тушириш техникаси, воситаси, суратга олиш услуби, умуман фильм яратиш амалиётининг ўзига хос жиҳатлари намоён этилди. “Pathe Premer” камерасида суратга олинган бир

¹ Садуль Ж. История киноискусства. Пер.с англ. – М.:Москва, 1957. – С.17.

карашда содда кадрлар, ракурслар, панорамалар, фокус силжишлари маиший турмуш, либослар, шаҳар-кишлоқлар кўринишини экзотик тасвирлаш билан бир қаторда худудимиз табиатига хос боғ-далалар, тоғ-адирлар кўрки, нур ва соялар, куёшнинг заррин ёғдусидан кенг миқёсда фойдаланиш ҳаракатларини ҳам ифода этганини таъкидлаш лозим. Иккинчи жаҳон уруши даврида Одесса киностудияси, “Мосфильм”, “Ленфильм”, “Беларусфильм” ва Киев киностудиялари гуруҳларининг Тошкентга эвакуация қилиниши муносабати билан қисқа вақт ичида Тошкент киностудияси фильмлар ишлаб чиқариш учун зарур ускуналар билан жиҳозланди, ижодкор кино мутахасисларини бирлаштирди, кўшимча бинолар ажратилди. Совет киносининг М.Ромм, Я.Протазанов, И.Хейфиц, В.Браун, Э.Пенцил каби атоқли режиссёрлари, Д.Демуцкий, А.Панкратьев, А.Гинзбург, В.Симбирцев, А.Лаврик, М.Краснянский сингари операторлари билан мулоқотда бўлиш, касб сирларини ўрганиш, биргаликда ижод қилиш орқали мамлакатимиз киноижодкорлари ўзига хос кино яратиш мактабини ўтадилар. Шу даврда рус кинооператорлик санъатининг ёрқин намояндаси Д.Демуцкий ва ўзбек кинорежиссёри Наби Ғаниев ҳамкорлигида “Тоҳир ва Зухра” (1945й.) фильмининг яратилиши тарихий воқеа бўлди. “Насриддин Бухорода” (реж. Я.Протазанов, опер. Д.Демуцкий, 1943й.), “Насриддин саргузаштлари” (реж. Н.Ғаниев, опер. Д.Демуцкий, 1946й.) “Алишер Навоий” (реж. К.Ёрматов, опер. М.Краснянский, 1947й.) каби фильмлар мамлакатимизда кино санъати асосларини шаклланишида катта аҳамият касб этди.

Маълумки, операторнинг ижодий ҳамкори рассомдир. 1930 йилларданок ўзбек кинематографиясига Варшам Еремяннинг (1897-1963) кириб келиши рассомнинг фильм яратилишидаги алоҳида ўрни ва ролини тушуниб етишга асос бўлди. В.Еремян томонидан яратилган ўзига хос ижодий мактаб кейинчалик В.Пушин, В.Синиченко, Э.Калантаров, Н.Раҳимбоев, В.Добрин, С.Зиёмухаммедов, Б.Назаров сингари постановкачи рассомлар томонидан давом эттирилди. Мамлакатимизда таниқли кинорежиссёр, рассом ва операторлар ижодий ҳамкорлигида яратилган тасвирий ечим, кадр композицияси, нур ва сояларнинг қўлланиши борасидаги изланишлар ўзбек киносининг ўзига хос бадиий ифода тили шаклланишига асос бўлди. Ўз ижодининг катта қисмини ўзбек киносанъати тараққиётига бағишлаган, миллий маданиятимиз руҳиятини чуқур билган, тасвирий ечим яратишда ўлкамиз табиатидан келиб чиқиб, услубий воситалар, муносиб колорит, бадиий ифода тилини яратган Даниил Демуцкий ўзбек киносида кинооператорлик мактабига асос солди. Оператор Д.Демуцкий ишларида, айниқса режиссёр Н.Ғаниев билан ҳамкорлик қилган “Тоҳир ва Зухра” фильмидаги тасвирий ёндошув алоҳида миллий хусусият касб этди. Бунга бир томони бунгача суратга олинган режиссёр Я.Протазановнинг “Насриддин Бухорода” (1943й.) фильми ҳам туртки бўлган дейиш мумкин. Миллий колорит, нур ва соялар, илиқ рангларнинг кўп

кўлланиши, куёш нуридан максимал даражада фойдаланиш фильм тасвирий ечимида алоҳида кўзга ташланди. Д.Демуцкий тасвирларида ўлкамизнинг табиий ранглари, куёш ёғдусининг мўл-кўллиги, ёруғлик, ёрқин комбинациялар, портрет ва пейзаж яратишдаги чуқур ифодавийлик ўз аксини топиб, ўзбек миллий киноси вужудга келаётганидан дарак берарди. Унинг колористик палитра ва образлар дунёси яратишда қўллаган ранглари, нур ва соялар характери ҳудудимиз табиатидан келиб чиқиб, бадиий хусусиятларни ифода этди.

Даниил Демуцкий асос солган Ўзбекистон кинооператорлик мактаби бошқа ижодий мактаблардан фарқи ва ўзига хослик жиҳатлари билан ажралиб туради. Шу ўринда операторлик мактаблари хусусида икки оғиз сўз. Собиқ шўролар ҳудудида иш бошлаган республикаларда кинооператорлик асосан иккита мактаб анъаналарига таянган, булар Москва ва Ленинград операторлик мактабларидир. Э.Тиссэ асос солган Москва кинооператорлик мактаби “живопись услуги” (*живописный стиль*) дея аталади. Унинг характерли жиҳати тасвирнинг мўйқалам картиналари даражасида намоён бўлиши, антураж, либослар, қиёфалар ифодасида тасвирий санъатга яқинлашишдир. А.Москвин асос солган ленинград мактаби эса *камерлилик* характери билан ажралиб, инсоннинг борлиғи билан табиийликда акс эттиришга қаратилади. 60-йилларда мазкур мактаб ўзининг кўтарилиш даврини бошидан кечиради, шу йилларда яратилган сохта ғоявийликка йўғрилган асарлар ҳақида Ольга Шервуд “Фильмларнинг ғоявий мазмунига нисбатан тасвирларда ҳақиқат кўпроқ акс этган”¹, дея баҳолаган эди. Бундан кўринадики, мазкур мактаб асосида инсоннинг табиий муҳити аслий ҳолатда кўрсатилиши эътиборда туради. Диссертацияда бадиий мактабларнинг ўзига хослиги фильмлар мисолида кўрсатиб ўтилган.

Бошқалардан фарқли равишда ўзбек киносига хос бўлган операторлик мактаби табиий интерьерлардан фойдаланиш, куёш ёғдусига уйғунлашиш, реал кишилар ва табиий фонлар кўринишида актёрлар ҳамда типажларни бирлаштириш, тасвирнинг хужжатлилик фактурасига кўра ажралиб туради. Унинг бадиий-ифода тилининг кўпқирралиги, ҳамиша янги ифода воситалари излашга ундайди. Ўзбек бадиий фильмларидаги тасвирлар ўз колоритига кўра шарқона хусусият касб этиб, Беҳзод миниатюраларидаги бой композиция ва сержило бўёқлар уйғунлиги ҳис қилинади. Маълумки, миниатюралар Шарқ халқларининг бой фантазияси, гўзалликни уйғунликда тасвирлаш, композицион яхлитликни акс эттирувчи бадиий-эстетик ҳодиса бўлиб, муайян доира ўлчамини тўғри танлай билган ҳолда, ундаги жисм ёки буюмларни чирой тартибда жойлаштира билишдан иборат. Кинокадрда асарнинг жанри, мавзуси, ғоявий йўналиши, тузилиши, ранглар таносиби,

¹ Бутовский Я. Операторское искусство в период застоя. Э-журнал “Сеанс” 2010, 24 ноября.

шакл ва воқеалар мутаносиблиги жиҳатдан уйғунлик касб этиши назарда тутилади. Тарихдан маълумки, Беҳзод ижодида тасвир композицияси, талқин йўллари, персонажларни ҳаракат қилаётган ҳолатини акс эттириши чуқур рамзий умумлашма характерида кечади, бир-бирига зид ва кескин рангларни нозик мувозанат ҳамда уйғунликда ифодалаш санъати диққатни тортади. Булардан келиб чиқиб, ўзбек кино тасвирларида композиция Беҳзод миниатюраларидан таъсирланганини қайд қилиш мумкин.

Шу тариқа Ўзбекистонда XX асрнинг 20-йиллари охирида кириб келган кинооператорлик санъати бадиий маданиятнинг ўзига хос ҳодисаси сифатида шаклланди, ривожланди. Диссертацияда мазкур санъатнинг ривожланиш йўли қуйидаги босқичларга ажратилди: *1-босқич* – кино ва операторлик санъатининг кириб келиши, соҳанинг шаклланиш даври (1929 - 1940-йиллар бошларига қадар); *2-босқич* – ўзбек кинооператорлик мактабининг қарор топиш даври (1940-1960 йиллар охирига қадар); *3-босқич* – миллий мактабнинг устувор анъаналари ривожланиши даври (1960-1980 йиллар охирига қадар); *4-босқич* - миллий кинематографда янги услуб ва тамойилларнинг пайдо бўлиши даври (1980 йиллар охиридан то бугунги кунга қадар бўлган жараён).

Диссертациянинг иккинчи боби “Ўзбек бадиий киносида операторлик санъатининг ривожланиш босқичлари” деб номланади. Боб “Миллий мактабнинг вужудга келиш асослари” ҳамда “Тасвирий ечим анъаналари ва бадиий услублар шаклланиши” деган бўлимлардан иборат. Унда Д.Демуцкий бошлаган Ўзбекистон операторлик мактабининг тарихий йўли, кейинги ривож ҳақида сўз бориб, ҳар бир босқичда қўлланилган усул ва воситалар тизимлаштирилган, муайян анъаналар шаклланиши бадиий жараёнлар мисолида очиб берилган. *1-босқич* – (1929-1940-йй.) даги тасвирларда қуйидаги усуллар кузатилади: 1. Йирик планни кўп ишлатиш; 2. Муайян планни узоқ вақт ушлаб туриш; 3. Умумий ва ўрта планларга эътибор қаратиш; 4. Табиий ёритишга суяниш; 5. Бино ичида деярли суратга олинмаганлиги; 6. Панорамалар қўллаш; 7. Деталлашган йирик план ишлатилмаганлиги; 8. Камера олдидаги объект ва субъектдан тасвир яратиш (А.Дорн, В.Добржанский, В.Симбирцев). *2-босқич* – (1940-1960 йй.) даврида эса суратга олиш усул ва воситалари кенгайди. “Насриддин Бухорода” (реж.Я.Протазанов, рассом В.Еремян, 1943й.), “Тоҳир ва Зуҳра” (реж.Н.Ғаниев, рассом В.Еремян, 1945й.), “Насриддиннинг саргузаштлари” (реж.Н.Ғаниев, рассом В.Еремян, 1946й.) каби дурдона фильмларда оператор Д.Демуцкий ўзбек менталитетига хос бадиий-эстетик хусусиятларни ифодалашга эришди. Булар оммавий сахналарда, қаҳрамонлар талқинида, конфликтларда, услубий жиҳатлар ёритилишида, воқеаларнинг динамик ривожда ўз аксини топиб, илгариги фильмлардан фарқли ўлароқ, ракурс, монтаж линияси, поэтик тасвирни пайдо қилишда махсус линзалардан фойдаланиш, тасвирда аниқликка диққат қаратиш ва кадрни ортиқча жиҳозлар билан қалаштириб юбормаслик, перспектива талабларини ҳисобга

олишга эътибор бериш, тасвирий ечимда миллий колорит устуворлигига эришишда кузатилади. Бадий мактабнинг бу жиҳатлари М.Краснянский ва А.Панн ижодида сайқалланди. “Алишер Навои”, “Пахтаой”, “Опа-сингил Раҳмоновалар”, “Мафтунингман”, “Фарғоналик беш ўғлон”, “Ўтган кунлар” кинокартиналарида М.Краснянский ўзининг эмоционал ва поэтик қобилиятини кўрсатиб, миллий характер ва энг муҳими самимий руҳиятни ифода этди, булар нур ва соялардан образли талқин йўлида фойдаланиш, чироқлар уйғунлиги (*светотональность*), объектив ёруғлик ўтказиш кучи (*светосила*), ним ёруғликлар (*зональное освещение*), колористик ечим, суратга олиш нуқталари, ракурслар, оптик трактовка ва ёруғлик қисмларини танлаб олишда намоён бўлди. 50-йиллар охири – 60-йилларда соҳага олий маълумот олиб кириб келган маҳаллий мутахассислар Анвар Мукаррамов, Тўлқин Рўзиев, Тўлқин Бобожонов, Мирон Пенсон, Ҳотам Файзиев, Дилшод Фатхуллинлар миллий мактаб анъаналарини давом эттирдилар.

3-босқич – миллий мактабнинг устувор анъаналари ривожланиши даври (1960-1980 йй.) бўлиб, бунда: 1. ҳаракатли съёмка (*съёмка с движения*); 2. қўлда олинган съёмка (*съёмка с рук*); 3. кадр компоновкаси (*компоновка кадра*); 4. натурадаги съёмка (*съёмка на натуре*); 5. табиий интерьерда олинган съёмка; 6. субъектив камерада олинган съёмка (*съёмка субъективной камерой*); 7. яширин камерада олинган съёмка (*съёмка скрытой камерой*); 8. ракурсли съёмкани қайтадан англаш (*переосмысление ракурсной съёмки*); 9. панорама қилиш усулларини қайта кашф этиш (*переосмысление приема панорамирования*); 10. кенг бурчакли оптика қўллаш (*использование широкоугольной оптики*); 11. узун фокусли оптика қўллаш (*использование длиннофокусной оптики*); 12. ўзгарувчан фокус оралиғи оптикасини қўллаш (*использование оптики с переменным фокусным расстоянием*); 13. кичик камералар қўллаш амалиёти кузатилди. Булардан кўринадики, мазкур босқичда тасвир маданияти юксак чўққига кўтарилди. 60-йилларнинг “илиқлик” даврида кино техникасида янги ланишлар юз бериб, суратга олиш аппаратураси такомиллашди, съёмкани алоҳида амалга ошириш ва овозни павильондан ташқарида ёзиб олиш фаолияти кириб келди. Магнитофонга ёзилган овоз, кичик камералар қўлланила бошланди. Оптика чизиғи катталаша борди, узун фокусли (*длиннофокусные*) ҳамда ўзгарувчан фокус оралиғи объективлари (*трансфокаторлар*) пайдо бўлди. Кино кўрсатишни иккита формати – кенг экранли (*широкоэкранный*) ва кенг форматли (*широкоформатный*) турлари қарор топди.

60-йиллар кинооператорлик соҳасининг ўзига хос жиҳатларидан бири яна шунда эдики, фильмлар аксарият ҳолларда натурада, реал интерьерларда суратга олинди. Реал ҳаётни кўрсатиш учун яширин камералардан фойдаланиш, кадр ичи монтажини қўллаш каби усуллар 20-йилларда қўлланилган бўлиб, бу даврда эса қайтадан тикланиб, янгича кашф этилди ва давр тасвирий стилистикасини бойитди. Бу жиҳатлар Ш.Аббосовнинг “Маҳаллада дув-дув гап” (опер. В.Владимиров, рассом Э.Калантаров, 1960й.), А.Ҳамроевнинг “Оқ, оппоқ лайлаклар” (опер. Д.Фатхуллин, рассом Ш.Абдусаломов, 1966 й.), У.Назаровнинг “Сурайё” (опер. Д.Фатхуллин,

рассом М.Чошев, 1968й.), Э.Эшмухаммедовнинг “Нафосат” (опер.Д.Фатхуллин, рассом М.Чошев, 1967 й.), “Севишганлар” (опер. Г.Тутунов, рассом М. Чошев, 1969 й) каби қатор фильмларида кузатилди. Бу фильмларда реал натура, интерьерлар, кўчада кетаётган одамлар орасидаги актёрларни махсус операторлик усуллари ёрдамида суратга олиш “хужжатлилик стилистикаси” қўлланилди. Оқ-қора тасвирда суратга олинган бу фильмларда натурага алоҳида эътибор қаратиш ўзига хос драматик унсур бўлиб кириб келди, портретлардаги ифодавийликни кучайтириш мақсадида йирик планларни қўллаш, кино қаҳрамонларининг психологик ҳолатини пейзаж орқали таъкидлаб кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилди.

Режиссёр Комил Ёрматовнинг “Осиё устида бўрон” (опер. Н.Рядов, рассом Н.Раҳимбоев, 1964 й.), “Инқилоб чавандозлари” (опер. М.Пенсон, рассом Е.Пушин, 1968 й.), “Қора консулнинг ҳалокати” (опер. М.Пенсон, рассом Е.Пушин, 1970 й.) фильмларидан ташкил топган истерн жанрига мансуб трилогияси, тарихий жанрдаги Ш. Аббосовнинг “Сен - етим эмассан!” (опер. Ҳ. Файзиев, рассом Э. Қалантаров, 1962 й.), Л.Файзиевнинг “Улуғбек юлдузи” (опер. А.Панн, рассом Н.Раҳимбоев, 1964 й.), “Наташахоним” (опер. А.Панн, рассом Н.Раҳимбоев, 1965 й.) фильмлари бу даврнинг ўзига хос воқелиги бўлди. Уларда шарқона руҳ, муҳит, пафос акс этиб, операторлар Александр Панн, Николай Рядов, Мирон Пенсон томонидан яратилган мураккаб қурилмага асосланган поэтик тасвирлар, ўзининг чуқур мушоҳадорлиги билан эътибор қаратди. Операторлар шарқ услубини бутун маҳобати билан талқин этишда ёритиш муҳитини ҳам ўзгартириб юбордилар, мавжуд анъаналар янги воситалар билан бойитилди. Ним ёруғлик табиий ёруғлик билан алмашди, кўпроқ юмшоқ, тарқоқ ранглар қўлланилди. Агар замонавий фильмларда реал ҳаёт образини яратишдаги янгилик сифатида кадр ичи монтажи усулини қўллаш кириб келган бўлса, тарихий ва истерн картиналарда узун фокусли оптика ва трансфокатор ёрдамида тасвирга олиш объектини “кузатиш” усули намоён бўлди ва кенг тарқалди.

Бу даврда ўзбек киносининг К.Ёрматов, Й.Аъзамов, З.Собитов, Л.Файзиев, М.Краснянский, Т.Эфтимовский, А.Панн, В.Синиченко каби йирик арбоблари ўз фаолиятини давом эттириши билан бирга уларнинг сафи ёшлар ҳисобига кенгайди. Студияга ВГИК (Бутуниттифоқ давлат кинематография институти), Ленинград киноинженерлар институти, Москвадаги режиссёрлик ва сценаристлик Олий курслари, Тошкентдаги театр ва рассомлик санъати институти битирувчилари ишга келдилар. Улар орасида Д.Салимов, Э.Эшмухаммедов, А.Ҳамроев каби режиссёрлар, Д.Фатхуллин, Л.Травицкий, Ҳ.Файзиев, А.Исмоилов каби операторлар, Э.Калантаров, Н.Раҳимбоев, В.Добрин, С.Зиёмухаммедов, Б.Назаров сингари постановкачи рассомлар бор эди. Бу иждоқорларнинг фикрлаш тарзи, материалга шахсий муносабати, фалсафий мушоҳадалари киносининг бадиий савиясини ўстирди, поэтик йўналишини тараққий эттирди. Бу даврнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири ифодавийликнинг янги воситаларини топиш ва тасвирий маданиятни юқори поғонага кўтарилишида бўлди.

70-йилларда рангли плёнканинг кириб келганлиги операторлик санъати равнақида янги даврни бошлаб берди. Рангли кинематограф имкониятларни кенгайтириб, ижодий ғоялар, янги усул ва услублар излашга йўл очди. Плёнканинг умумий сезувчанлик даражаси ошди, рангли плёнка имкониятларни кенгайтди, мобил ва айна пайтда шовқинсиз камералар кенг тарқала бошлади. Бунингдек камераларда фильм диалогларини бемалол кўлда тутиб, ёзиб олиш мумкин эди. Бу даврда А.Исмоилов, Ҳ.Файзиев, А.Паннлар ишида ёритиш ускуналаридан фойдаланиш борасида ҳам янги тенденциялар юзага келди. Таъкидлаш жоизки, 70-йиллар охирларига қадар ҳам анъанавий ним ёруғлик (*зональный*) тизимини кўллаш кўплаб фильмларда давом этди. Аммо унинг тасвирий ечимда сунъийликни юзага келтиришдек камчилиги сезилиб, бу муаммони ечишда икки йўналиш пайдо бўлди. Биринчиси, ёритиш приборининг қаттиқ йўналтирилган ва ўз навбатида юмшоқ (*мягкое*), тарқалган нур узатувчи (*рассеянное освещение*) характеридан воз кечиш бўлса, иккинчиси ёритиш приборларидан имкон қадар фойдаланмасдан, ёки бўлмаса табиий ёруғлик имитациясини берадиган ва томошабинга сезилмайдиган, ниҳоятда аниқ тушадиган нур кўллашдан иборат йўналиш эди. Ёритиш жараёнидаги энг аҳамиятли новаторли усулларидан бири павильон декорацияларида эмас, балки табиий интерьерга сочилган ёғдуни постановка қилишни (*постановка рассеянного света*) кўрсатиш мумкин. Бу усул илгарилари кино ишлаб чиқариш амалиётида кўлланилмаган бўлиб, унинг асосида ўтган давр кинематографининг “контраст-зонал эстетика” (*контрастно-зональная эстетика*) сидан ўзгача бўлган тамоман бошқа принцип ётади. Яна шуни таъкидлаш лозимки, ёритиш тизимини яратишда тасвир муҳитида актёрнинг имкон қадар кенг муҳитда жойлашувига эътибор қаратиш жоиз. Мазкур жиҳатлар “Фавқулодда комиссар” (реж. А.Ҳамроев, опер. Ҳ.Файзиев, 1970 й.), “Нур ва соялар” (реж. М.Оғамирзаев, опер. Ҳ.Файзиев, 1970 й.), “Шиддат” (реж. У.Назаров, опер. А.Исмоилов, 1971 й.), “Еттинчи ўк” (реж. А.Ҳамроев, опер. А.Панн, 1972 й.), “Одамлар орасида танҳо” (реж. К.Ёрматов, опер. Т.Эфтимовский, М.Пенсон, 1973 й.), “Аччиқ данак” (реж. Қ.Камолова, опер. А.Панн, 1975 й.) фильмлари мисолида кузатилади.

Маълум бўлишича, 70-йиллар кинооператорлик санъатида 60-йилларда кашф этилган тасвирий воситаларни ривожлантиришга ҳам эътибор қаратилди. Айниқса Ҳ.Файзиев, М.Пенсон, А.Исмоилов, Т.Қаюмов, А.Паннлар ишида тасвирий воситаларнинг алоҳида усуллари кўзга ташланди. Булар “тасвирий санъат образига асосланган” (*живописный*), “услуг кўринишига асосланган” (*стилизованный*) каби турли тарзда намоён бўлди. Бу даврда кадр ичи монтажи (*внутрикадровый монтаж*), образни адабий ёки актёрлик маҳорати орқали эмас, балки асар мазмунини реалистик тарзда етказиб беришда аудио-визуал образ яратиш методи тараққий эта бошлади. Операторлар ёритиш ускуналарига имкон қадар мурожаат этмасликка ва бунинг ўрнига табиий ёруғликдан фойдаланишга эътибор қаратдилар. Операторликнинг “тасвирий санъат образига асосланган” (*живописный*) методининг муҳимлиги суратга олишнинг “режим” вақти билан боғлиқлиги

эди. “Режим” дейилганда эрта тонг ёки кўёшнинг ботиш вақти тушунилиб, бу пайтда соялар узайиб, ёруғлик ифодавийлик касб этади, энг муҳими бундай пайтда ранглар ҳароратидаги кескин ўзгаришларни кузатиш мумкин. Шу тариқа бу даврнинг ўзига хос хусусиятларидан бири тасвирга олишнинг пластик йўналиши юзага келганлиги бўлиб, кадр ичи монтажи имкониятларини “тасвирий санъат образига асосланган” усул билан бойитишда намоён бўлди. 1974 йилда режиссёр Ш.Аббосов “Абу Райҳон Беруний” тарихий-биографик картинасини суратга олди. Оператор Ҳ.Файзиев ва рассом Э.Калантаровлар ишлаган мазкур картина “Ўзбекфильм” тарихида илк бор катта павильон ва коллекторни қамраб олган улкан декорацияда олинган лойиҳа эди. Объект катта ҳажмли бўлгани сабабли айрим эпизодларни тасвирга туширишга бир неча ҳафтадан ортиқ вақт ажратилган. Бир сменанинг ўзига декорацияни ёритиш учун бир ярим минг киловатт электр энергияси сарфланиб, юздан ортиқ прожектор ишлаган. Суратга олиш гуруҳи вақтни тежаш учун актёрлар иштирокисиз чироқлар кўяр ва бунга ҳам бир смена кетар эди. Мазкур объектни тасвирга тушириш учун “Ўзбекфильм” тарихида илк бор “Kodak” фирмаси тасмалари ажратилган. Маълумки, “Kodak” тасмаси ёруғликка сезгирлиги ва яхши ранг бериш хусусиятига эга, аммо суратга олинган кадр “брак” яъни яроқсиз бўлиб қолса, ҳамма иш бошқатдан бошланади. Катта маблағ, вақт, меҳнат кетган эпизодлар қайта ёзилади. Бир мартта суратга олинган эпизодни яна қайтада тиклаш мураккаб бўлиб, об-ҳаво шароити, актёрлар ижроси, ранг, чироқ ҳамма-ҳаммаси ўзидан олдингисига мувофиқ келиши керак.

4-босқич - миллий кинематографда янги услуб ва тамойилларнинг пайдо бўлиши даври 1980 йиллар охиридан то бугунги кунга қадар бўлган жараёни қамраб олади. Тасвирга олиш ижодий жараёнидаги тенденциялар қаторида кинематографнинг босиб ўтилган даврлари услубига мувофиқлашишдек алоҳида янги изланишлар, шартли-умумлашма шакл каби кўплаб янгича воситалар кўзга ташланди. Булар “Суюнчи” (реж. М.Абзалов, опер. Н.Ғуломов, 1982 й.), “Водиллик келин” (реж. А.Ҳамроев, опер. Р.Ибрагимов, 1984 й.), “Армон” (реж. М.Абзалов, опер. Д.Абдуллаев, 1986 й.), “Болалик” станциясидан чиққан поезд” (реж. Ҳ.Файзиев, опер. Н.Ғуломов, 1986 й.) каби фильмларда ўз аксини топди. Мазкур фильмлар тасвирий ечимида операторларнинг хужжатли кино, тасвирий санъат намуналари, гравюралар услуби ва шаклига мувофиқлашиш масалаларини турлича ҳал этганлиги кузатилди.

Ўзбек киноси операторлик мактабининг яшовчан аъёнлари атоқли ижодкорлар Ҳотам Файзиев, Абдурахим Исмоилов, Мирон Пенсон, Нажмиддин Ғуломов кабиларнинг услубий ўзига хосликларида акс этади. Жумладан, Ҳотам Файзиев кадрда аниқ мўлжалли, қаҳрамон ички дунёсига монанд характерли тарзда чироқ кўя оладиган санъаткор сифатида эътироф этилган. Унинг чироқ кўйиш услуби кўпроқ, буюк рассом Рембрандт картиналаридан илҳомланган тарзда вужудга келган ва соҳа вакиллари орасида “Рембрандтча” ёритиш услуби дейилади. Ҳ.Файзиев кадр кўйишда кўпинча портрет жанрига мурожаат этгани боис, шу услубга таянади. Бунда

каҳрамоннинг кўзлари аниқ ажратиб кўрсатилиб, юзнинг қолган қисми эса сояроққа олинади. Яъни, кадрнинг бутун композицияси айнан кўзларнинг йирик планда кўрсатилишига асосланади. Оператор Абдурахим Исмоилов асарларида эса ички драматизм бўртиб туради, воқеалар динамикасига монанд ҳаракатланиш, кадрларнинг композицион темпи ва бадиий яхлитлиги эътиборни тортиб туради. Нажмиддин Ғуломов яратган тасвирларда қаҳрамонларнинг маъноли сукутлари, лирик оҳанглар, майин ёруғлик, рамзий ифода воситалари, мураккаб ракурслар кўп учрайди. Мирон Пенсон эса кенг фазовий муҳит яритишга диққат қаратиб, ўткир бадиий диди ва мушоҳадорлиги билан ҳар бир эпизодда таъсирчанлик яратишга аҳамият беради. Унинг тасвирларида ортиқча деталь ёки тасодифий восита мутлоқ учрамайди. Бунингдек услубий ўзига хосликлар миллий кино операторлик мактаби анъаналарини яратган бўлиб, диссертацияда фильмлар таҳлили орқали очиб берилган.

